



Маънавият тарғиботчисига ёрдам

НУРБОЙ ЖАББОРОВ


**АДАБИЁТ ВА
МИЛЛИЙ
МАЪНАВИЯТ**



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

НУРБОЙ ЖАББОРОВ

АДАБИЁТ ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 821:37.017.92

КБК: 84(5Ў)+87.7

Ж 13

Жабборов, Нурбой

Ж 13 Адабиёт ва миллий маънавият / Н. Жабборов; масъул муҳаррир Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-249-0

Комил шахс, мукамал жамият орзуси... Адабиётнинг жон томири, у таянадиган асос ўлароқ бадий-эстетик идеал ана шу орзунинг тажассумидир. Чинакам бадий асар ана шу орзу маҳсули. Юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда адабиётнинг ўрни беқиёс экани сабаби шунда. Зеро, адабиёт ва маънавият бир-бирини тақозо этадиган, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган ходисалардир. Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг ушбу китобида шу ҳақда фикр юритилади.

Рисола олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда маънавият-маърифат соҳаси мутахассисларига мўлжалланган.

УЎК: 821:37.017.92

КБК: 84(5Ў)+87.7

М а с ъ у л м у х а р р и р :

сиёсий фанлар доктори Қ. Қуранбоев

Т а к р и з ч и л а р :

филология фанлари доктори, профессор Ш. Сирожиддинов

филология фанлари доктори, профессор Б. Каримов

ISBN 978-9943-04-249-0

© «Маънавият», 2015

СЎЗ БОШИ

Бугун биз янги даврда яшаяпмиз. Бу давр фан ва техниканинг юксак тараққий этиши баробарида глобаллашув жамият ҳаётининг барча жабҳаларини шиддат билан қамраб олаётгани, оммавий маданият хуружи ёш авлод қалби ва руҳини турли воситалар орқали забот этишга уринаётгани билан характерланади. Ана шундай мураккаб ва зиддиятли шароитда дунёни оммавий маданият хуружидан, маънавиётсизлик ва ахлоқсизлик гирдобидан сақлаб қола оладиган ягона куч – адабиётдир. Адабиёт ана шу жиҳати билан ҳам маънавиётнинг посбонидир.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш – ҳаётий эҳтиёж. Хўш, бунга қандай эришмоқ мумкин? Навқирон авлод қалбига бу руҳни сингдиришнинг энг самарали ва энг таъсирчан воситаси нима? Албатта, адабиёт. Шу ўринда замондош олимлардан бирининг мана бу фикри ёдга келади: «Математика, физика, кимё каби аниқ фанлар бир илм одамани етиштириши мумкин. Бироқ ҳақиқий ватанпарварни фақат ва фақат адабиёт тарбиялайди».

Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз «Адабиётга эътибор – маънавиётга, келажакка эътибор», эканини алоҳида таъкидлайди. Шу боис давлатимиз раҳбари: «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак», дея хитоб қилади.

Адабиётнинг маънавий камолот воситаси сифатидаги мавқеи, дарҳақиқат, алоҳида. Атоқли шоиру адиблар ижоди, миллат тарихида муҳим ўрин тутувчи бадиий асарлар таҳлили ҳам бу фикрни қувватлайди. Зеро, муайян миллатнинг маънавий даражаси адабиётининг таракқиёти даражасидан баланд бўла олмайди. Бу хусусият адабиёт ва маънавиятнинг узвий алоқадор ҳодисалар экани, бирининг ривожисиз иккинчисининг такомилени тасаввур этиш мумкин эмаслиги ҳақидаги аён ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

АДАБИЁТ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Ўзбекнинг ўзлиги

Миллатнинг миллатлиги қадриятларига кўра белгиланади. Миллий қадриятлар – миллатнинг сийра-ти, унинг қиёфасини белгиловчи мезон. Унинг неча минг йиллар давомида шаклланган, яшаш тарзига, ҳаётининг мазмунига айланган фазилатлари тажассуми. Тарих шохид: қадриятларини йўқота борган миллат ўзлигидан ҳам маҳрум бўла боради. Таназзулга юз тутади, миллат сифатидаги қиёфасини бой беради. Замоннинг бугунги шитоби, дунёни тобора кенг қамров билан тасарруфига олаётган глобаллашув шиддати, қадриятларни бамисо-ли оч аждаҳодек ўз қомига тортаётган оммавий мада-ният таҳдиди шароитида ўзлигини асраб қола билиш, маънавий юксакликка эришиш камдан-кам миллатга насиб этади. Бунинг учун миллатнинг томири асл сар-чашмалардан сув ичиши, маънавияти ўқ илдизларидан узилмаган бўлиши зарур. Ўзбекнинг асрлар синовидан ўтиб келаётган ана шундай қадриятларидан бири бу – ёши улуғларни муносиб даражада ҳурмат қилмоқдир. Бу сингари қадриятларни маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантиришда халқ оғзаки ижоди намуналарининг, ёзма бадиий адабиётнинг ўрни беқиёс.

Илдизлар ҳақида сўз очдик. Бу миллатнинг зува-ласи «Қари бор уйнинг зари бор», «Қариси бор уйнинг пари-си бор, париси бор уйнинг бариси бор» сингари теран ҳикмат сувлари билан қорилган. «Ёшнинг ҳурмати – қарз, қарининг ҳурмати – фарз» сингари ҳаётий нақллارнинг

умри миллатимиз умри қадар қадимий экани исбот талаб қилмайди. Буюк мутафаккир бобокалонимиз Маҳмуд Кошғарий таъбирича, Тангри давлат қуёшини бизнинг миллатимиз қўрғонларидан қўкка чиқарган, уни барчадан устун қилган, ҳақиқат йўлида курашмоқ учун куч берган. У билан ҳамкорлик қилганларни, унга тарафдор бўлганларни азиз ва муқаррам этган – нима учун? Биринчи навбатда, юксак маънавияти, комил хулқи учун. Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлгани учун. Бизда отаси ўтирган уйнинг томига чиқмаслик, ёшларнинг қарияларга биринчи бўлиб салом бериши – азалий урф. Юзма-юз келганда кексаларга йўл бериш, қўлида оғир юки бўлса, ёрдамга шошилиш – тарбия белгиси. Эгаллаган мансабидан, бойлигидан қатъи назар, ёшларнинг улуғлар олдида ўзини камтарин тутиши, тўй-маърақаю издиҳомларда уларни тўрға ўтқазиши – миллий удум, гўзал одоб нишонаси. Жамоат транспортда ўтирган жойини қарияларга бўшатиш – оддий қарз. «Фавойид ул-кибор» девонида «Қарилиғ истар эсанг, қариларни ҳурмат тут», «Лутф айла қариларға десангким узун яшай» – деб ёзар экан, ҳазрат Алишер Навоий халқимиз тийнатидаги ана шу каби фазилатларнинг келажак авлодлар томонидан муносиб давом эттирилишини истагани аён.

Шукрлар бўлсинки, биз она халқимиз тарихининг мураккаб ва зиддиятли даврларида ҳам бу кадриятларни сақлаб қола билдик. Наинки сақладик, улуғ бобокалонимиз орзу қилганидек, XXI асрга ҳам безавол олиб ўтиб, изчил давом эттираётимиз. Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан янги 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номланиши замирида ана шундай теран мазмун мужассам. Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида давлатимиз раҳбарининг: «Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини бел-

гилайди», деган ҳикматли ибораси халқимизнинг асрий ҳаётбахш анъаналарини ифода этгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Халқимизда «Қариликни донолик безар» деган теран нақл бор. Дарҳақиқат, ҳаётнинг осон бўлмаган, мураккаб ва зиддиятли йўлларида минг бир синовни енгиб, катта тажриба мактабини ўтаган ёши улуғлардан жуда кўп нарса ўрганиш мумкин. Уларни донишмандлик академиясининг академиклари дейилса, асло хато бўлмас. Ана шу донишмандлик академиясида, ҳикмат дарсхонасида таҳсил олган авлод ҳеч қачон кам бўлмайди.

Аждодларнинг ҳикмат дарсхонасида таҳсил олган авлод, шубҳасиз, хиёнатдан йироқ бўлади, ҳаромдан ҳазар қилади. Луқма ҳалоллиги унинг учун ҳаётий аъмол даражасига кўтарилади. Саховатни ўзига пеша тутати. Одамларга, жамиятга фойда келтиришни ҳам фарз, ҳам қарз деб билади. Бундай одамларнинг кўпайиши эса, жамиятнинг бахти. Зеро, жамият маънавиятини ана шундай шахслар юксалтиради. Янги йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номланиши замирида нечоғлик теран моҳият борлиги шундан ҳам аён.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асаридаги мана бу сўзларига қулоқ тутайлик: «Ота болани шунинг учун тарбия қиладики, токи у катта бўлганида ғамхўрлик қилсин». Улуғ ёшга етган ота-онага эҳтиром кўрсатиш одамийликнинг асосий шартларидан. Бу туйғу, бу фазилат ўзбекнинг боласига она сути, оиладаги тарбия, маънавий муҳит орқали болаликдан сингдирилади. Ҳазрат Навоий каби улуғ адибларимиз асарлари орқали улар шууридан мустаҳкам ўрин олади. Муҳтарам Президентимизнинг боя тилга олинган маърузасидаги: «Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, онаюртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш,

уларнинг дуосини олиш – дунёдаги энг улуғ, энг савобли иш», деган теран ва ҳаётий фикри замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам.

Таассуфки, бугунги кунда, айниқса, айрим Ғарб давлатларида ота-онани қадрламаслик, болалигида улардан қанчалар меҳр кўрганини унутиш, кексайган чоғида уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, ғарибхоналарга топшириб юбориш сингари ножоиз ҳоллар кўп кузатилмоқда. Ғарб тафаккур тарзига кўра, вояга етгач, фарзанд бутунлай мустақил шахсга айланади. Жумладан, 18 ёшдан тўлиқ алоҳида яшашга ўтиш америкалик ёшлар учун табиий ҳаёт тарзи, деб қабул қилинади. Одатда коллежга киргач, бола ота-она билан бирга яшамайди, ётоқхонада ёки ижара уйда туради. Гўё шундан сўнг у ота-она ўғитларига, маслаҳатларига мутлақо эҳтиёж сезмайди. Энди у истаган ишини ўз хоҳишича, ҳеч кимнинг йўл-йўриғисиз амалга ошириши мумкин. Майли, эҳтимол, ёшларга мустақиллик бериш, уларни муайян қолиплар билан чегаралаб қўймаслик маъносида бу ҳолатлар билан қайсидир даражада муроса қилиш мумкиндир. Лекин бу дегани кексайиб, меҳнатга лаёқатини йўқотган, фарзанди – нурийдасининг ёрдамига муҳтож ота-онага меҳр кўрсатмаслик, қўллаб-қувватламаслик керак, уни ёлғизлик гирдобига ташлаб қўйиш керак, дегани эмаску ахир. Ёшларимизни миллий маънавиятимизга, азалий кадриятларимизга ёт бўлган ана шундай ғоялардан асрашимиз зарур.

Бизда эса, ота-онани қадрлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Асосий қонунимиз – Конституциямизнинг 66-моддасида: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилгани бунинг ёрқин исботидир.

Модомики жамият қадди букилса-да, орзулари синмаган катта авлод вакилларини қўллаб-қувватламас экан,

улар рухан чўкиши, ўзидаги ақлий салоҳиятни эл-юрт манфаати йўлида сафарбар этишга куч топа олмаслиги, аксинча, ишончсизлик гирдобига тушиши мумкин. Кексаларни эъзозлаш шунинг учун ҳам ҳаётий эҳтиёждир. «Бугун фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни кучайтириш, самарасини ошириш зарур», деганда мухтарам Юртбошимиз худди ана шу ҳақиқатни назарда тутганлар.

Кекса авлодни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамият ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантириш бизда давлат сиёсатининг муҳим бир йўналишини ташкил этаётир. Ўтган 2014 йилда кекса авлодга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани бунинг ёрқин исботидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Дунёдаги камданкам давлатлар қаторида бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этиши ҳам шундан далолат беради».

Ўзбек халқи кексаларни «хонадонимиз кўрки», «уйимиз файзи», «нуроний», «пири бадавлат» сингари сифатлар билан улуғлайди. Шоиру адибларимиз бадиий асарлари орқали ёш авлод қалби ва руҳига бу туйғуни мудом сингдириб келади. Кексаларга ҳамини эҳтиром кўрсатиш, дуосини олиш, доно ўғитларига доимий равишда амал қилиб яшаш, ҳеч шубҳа йўқки, ҳаётимизни безайди, турмушимизга мазмун бағишлайди. Кекса авлод кўнглининг ободлиги жамият маънавияти юксалишининг муҳим омилidir. Юксак маънавият эса, ўзбекнинг ўзлигини дунёга намоён этади, давлатимиз истиқболининг нури бўлишини таъминлайди.

МУКАММАЛ ЖАМИЯТ ОРЗУСИ

Адабиёт барча замонларда ҳам юксак идеални куйлаган. Чинакам бадий асар қай бир услубда, қандай шаклда ижод этилмасин, ҳамма даврларда ҳам шахс камолотига хизмат қилган. Улуғ мутафаккир ижодкорлар эътироф этганидек, тил ва адабиёт миллат мавжудлигининг, жамият равнақининг асосий шартидир.

Баркамол шахс биринчи навбатда оила бағрида шаклланади. Авлод тарбиясида оилавий муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Инсон пок тийнат билан туғилади. Шунинг учун ҳам халқимизда болага нисбатан «мурғак», «беғуноҳ» сифатлари қўлланади. Энди оиладаги муҳит таъсирида унинг табиатида ё маърифат – эзгу амалларга интилиш ёхуд қабоҳат – ёвузликка бўлган майл етакчи хусусиятга айланади. Ана шу ҳодиса бадий адабиётда камдан кам ҳоллардагина бутун мураккабликлари, зиддиятлари билан талқин этилган. Буюк адиб Абдулла Қодирий асарлари адабиётшунослик учун бу жиҳатдан ҳам бой материал бериши мумкин.

«Ўткан кунлар»нинг бош қаҳрамони Отабек – ростгўй, ҳалол, жасоратли ва миллатпарвар шахс. Бунинг устига, у замона аҳволидан хабардор, очиқ фикрли йигит. Бу фазилатлар унга аслида қондан ўтган ва оилавий муҳит таъсирида камолга етган. Романдаги оилавий муносабатлар кўп жиҳатдан идеал эканлигини тан олмаслик имконсиз. «Хотини билангина эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса бўлсин узок

сўзлашиб ўлтурмайдиган» Юсуфбек ҳожи чин маънода ҳурматга лойиқ зот. Оила аъзоларининг унга муносабати ҳам шунга яраша. Адибнинг ёзишича: «Отабекми, она-сими, Ҳасаналими, ишқилиб уй ичидан бирортасининг сўзлари ва ё кенгашлари бўлса, келиб **ҳожининг юзига қарамасдан** (барча таъкидлар бизники – *Н. Ж.*) сўзлай берадирлар; мақсад айтиб биткандан сўнг секингина кўтарилиб унинг юзига қарайдирлар».

Оилабошининг юзига тик қарамаслик – бугунги кунда ҳам ноёб бир ҳол. Бунга эришмоқ осон эмаслиги аён. Оиладаги муҳитни соғлом сақлаб туришда фавқулудда аҳамиятга эга бўлган ўзаро ҳурматнинг бу даражага кўтарилишида бош омил, шубҳасиз, Юсуфбек ҳожининг Худо берган табиатидир: «Ҳожи бир неча вақт сўзлағучини ўз оғзига тикилтириб ўлтурғандан сўнг, агар маъқул тушса «хўб» дейдир, гапка тушунмаган бўлса «хўш» дейдир, номаъқул бўлса «дуруст эмас» дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса бир илжайиб қўйиш билан кифояланиб, мундан бошқа сўз айтмайдир ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир. Уй ичи унинг бу феълига жуда яхши тушунганликларидан кўпинча бир оғиз жавоб олиш билан кифояланадирлар». Қиёс: бугунги оилавий можароларнинг аксари отанинг қай ўринда нимани сўзлашни, қандай вазиятда сукут сақлашни билмаганида, укувсизлигида, оилада ана шундай муҳитни ташкил қила олмаганида эмасмикан? Зеро, ноўрин сўзланган ҳар бир сўз, ҳар қандай ножоиз ҳаракат тескари натижа бериши аён. Абдулла Қодирий бугунги авлодга бу жиҳатдан ҳам бекиёс сабоқ бериб келаётир.

Юсуфбек ҳожининг эҳтиромга муносиб экани яна шунда кўринадики, ҳатто «чала думбул табиатлик.., аммо эрига ўткирлиги билан машҳур» Ўзбек ойим ҳам унинг билан ҳар қандай шароитда ҳисоблашади. Аксар ҳолларда эрига «гапини ўткиза олса» ҳам, Ўзбек ойим ундан «бир илжайиш жавобини олса, дами ичига тушадир».

Ҳар қандай масалада етти ўлчаб бир кесадиған, шу боис оилада ҳам, жамиятда ҳам муносиб мавқега эга Юсуфбек ҳожи ва унинг ёлғиз ўғли Отабекнинг ўзаро муносабатлари ўрганишга арзирлидир. Ҳар иккаласи ҳам юртпарвар, эл ғамини ўз ғами деб ҳис этадиғанлардан. Шу сабабли ногаҳон қипчоқ қирғинига гувоҳ бўлған Отабек қаттиқ изтироб чекади. Юрт сўраб турған амалдор отасини бу қабоҳатнинг сабабчиларидан деб гумон қилиб, бир алами минг бўлади. Ота-ўғил ўртасидаги очиқ мулоқотгина бу масалага ойдинлик киритади. «Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим, – дейди озор чеккан ота, – ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишдан мамлакат учун қандай фойда бор? Башарти мен бу ваҳшатка иштирок қилған бўлсам, қайси ақл ва қандай манфаатни кузатиб қўшилишқан бўламан? Агарда маним юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик орттирмоққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимга – сенга маълум бўлмасмиди? Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга қолғанда оқсайдир? Нега ёнған юрагимга сен ҳам захар сочасан?»

Бундай самимий кўнгил изҳори, табиийки, Отабекка таъсир этмай қолмайди. У «ўз ҳужумининг ҳақсиз» эканига амин бўлади. Ўзаро ошқора суҳбат ота-ўғил ўртасидаги тушунмовчиликка барҳам беради. Романда ҳар бир масала талқинида қаҳрамонлар руҳиятининг ана шундай теран таҳлилини кузатиш мумкин. Романда ота-бола, она-бола, эр-хотин, қайнота-келин, қайнона-келин – умуман, оилавий муносабатлар миллий урф-удумлардан келиб чиқиб, теран бадиий талқин этилған. Мана, яна бир қалтис вазиятда – Отабекни Зайнабга уйлантириш масаласи кўтарилғанда, бу муносабат қай тарзда намоён бўлади:

«Ўзбек ойим келиб киргандан сўнг Юсуфбек ҳожи бир неча вақт ўйлаб қолди... Анчагина сўзсиз ўлтурғандан сўнг ҳожи мулоиймона сўз очди:

– Ўғлим, ҳали сан эшитдингми-йўқми, хайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...

Отабек, маълумки, уларнинг «қилиб қўйған ёки қил-

моқчи бўлган ишларини» албатта билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:

– Ақлик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, – деди.

Ҳожи ўғлининг бу жавобидан ерга қаради ва нима деб давом қилишни билмай қолди».

Биз ушбу вазиятни қалтис деб атаганимиз сабаби, агар оилавий муносабатлар қатъий мезонга таянмаган бўлса, ўзаро ҳурмат-иззат жойига қўйилмаса бу ўринда оила пойдеворига дарз кетиши эҳтимолдан холи эмас эди. Бир-бирини тушуниш ўрнига даҳанаки жанг юз бериши ҳам мумкин эди. Отабекнинг сўзлари бундай вазиятда ақли ўғилдан кутиладиган энг оқилона жавоб. Унда нафақат ота-она хоҳишига ризолик, шунинг баробарида эътироз ҳам мужассам. Бироқ бу эътироз бениҳоя маданий тарзда, донишманд отани ҳам ўйлантирадиган, керак бўлса, ноқулай вазиятга солиб қўядиган шаклда изҳор этилмоқда. Юсуфбек ҳожининг «ерга қараши ва нима деб жавоб қилишни билмай қолиши» сабаби шунда.

Суюкли Кумуши билан турмуш қурган бахтиёр Отабекни яна уйлантирдилар – нима учун? Кимга керак эди шунча можаро? Зарурмиди саодатманд ошиқ-маъшук турмушига заҳар солмоқ? Лозиммиди бахтли севги қиссасининг изтиробли яқун топмоғига сабаб бўлмоқ? Бунинг учун ким айбдор? Орзу-ҳавас қўйидаги ота-онами? Ёлғиз қизидан узоқда бўлишни, Тошкентга узатишни истамай, Марғилонда яшадини хоҳлаган Мирзакарим қутидор билан Офтоб ойимми? Муҳаббатидан ўзга айби бўлмаган Кумушми ёки уйланган, оилали Отабекка турмушга чиққан Зайнабми? Шу ва шу каби саволлар кимларни ўйлантирмаган дейсиз? Бу борадаги мунозаралар ҳали ҳануз давом этаётир. Токи фикрлайдиган одамлар бор экан, токи «Ўткан кунлар» мутолаасидан ҳаловат топадиган китобхон мавжуд экан, бу сингари баҳслар интиҳосига етмаслиги аён.

Бизнингча, бу саволларга жавобни муаммонинг ил-дизидан – оилавий муносабатларнинг мингйиллар да-вомида шаклланган анъаналари замиридан қидириш за-рур. Асарда ўзбек оиласидаги маънавий муҳит бетакроп талқин этилган. Отабекнинг Марғилондан уйлангани, адиб таъбири билан айтганда, «...отаси учун унча ризо-сизликка мужиб бўлмаса ҳам, аммо унинг ўғил тўйиси-дан бошлаб, Тошканд қизларини ост-уст қилиб, «бунинг қизи яхши бўлса ҳам, уй-жойлари ярамас экан; бунинг уй-жойлари тузик бўлса ҳам, қизи кўрксиз экан; бунинг қизи-да, уй-жойлари-да тузик, бироқ зоти пас экан» деб қиз, қуда, уй-жой, насл ва насаб текшириб юрғучи Ўз-бек ойимнинг Отабекни уйлантириб, бунинг орқасидан кўрадурган орзу-ҳавас, тўю томошаларини шартта кесиб қўйган бу уйланишга нима дейиши ва қандай қараши ал-батта маълум эди».

Аён бўлганидек, Отабекнинг уйланиши Юсуфбек хожида жиддий эътироз уйғотмаган бўлса ҳам, Ўзбек ойим учун кутилмаган ҳол эди. Зеро, «унча-мунча тўю аза-ларга «кавшим кўчада қолган эмас», деб бормайдиган», ўрда хонимлари учун ҳам «онахон» мақомида бўлган, «ўз уйида ўлтурғанида ҳам устидаги атлас кўйнак билан ад-рас мурсакни, оқ шоҳи дакана билан қаҳрабо тасбиҳни қўймайдиган» Ўзбек ойим ўғлининг ўзбошимчалигини – «қошлиқ, кўзлик бир анди» билан турмуш курганини кечириши маҳол эди. Қолаверса, Отабекнинг Кумушга уйланишида ўзбек оиласининг асрлар мобайнида шакл-ланган, ҳар бир фарзанд қатъий амал қилиши шарт бўл-ган бир удумига риоя этилмаган – бу иш ота-она рухса-тисиз, уларнинг оқ фотиҳасини олмай бажарилган эди. Ваҳоланки, «оғма» Ўзбек ойим ҳам Кумушни кўргач, ёқтириб қолади. Отабек ота-она ризоси билан уйланган-нида, эҳтимол, бу муҳаббат қиссасининг хотимаси ўзгача бўлмоғи ҳам мумкин эди.

Бугун қайнона-келин муносабатлари ҳақида гапириш

кўпроқ урф бўлган. Кузатувимизча, «Ўткан кунлар»да қайнона-келиндан ҳам кўра қайнота-келин муносабатлари теранроқ талқин этилган. Чунки отанинг таъсири кучлироқ бўлган оилада табиий равишда барча муаммолар ечими унга келиб боғланади. Отабек ва Зайнабнинг кутилмаган равишда очилиб сўзлашиб ўтирганлари устидан чиққан Ўзбек ойим тўсатдан ўғлига қарата бундай дейди: «Иккаласига бир пардан кўйлақлик ол! Бирини паст, бирини баланд қилма, бу хотининг бўлганда ул ҳам кўз очиб кўрганинг... Зайнаб, сен мен билан жур-чи, ҳожи отанг чақиряптилар».

Юсуфбек хожи ва Зайнаб ўртасида шундан кейин кечган мулоқот қайнота-келин муносабатлари қандай мезонлар асосига қурилмоғи зарурлигига ўрнақдир, намунадир. Ҳожи Зайнабга Кумуш билан эгачи-сингилдек аҳил бўлиши зарурлигини уқтиради:

– Эгачи-сингил бўлиб кетарсиз-а? – деб такрор сўради қайин ота.

– Билмадим...

– Нега тағин билмай қолдинг?

Зайнаб бир мунча вақт ўйланиб қолди.

– Қарс икки қўлдан чиқадир, – деди Зайнаб, – мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса, ҳозирги берган ваъдамдан нима фойда бўлсин....

– Бошқа гапларни кўнглингга келтирма, қизим. Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч фарқларинг йўқ, иккавларинг ҳам боламизнинг қўшоғи – боламизсиз!

Таъкидлаш жоизки, бу мураккаб вазиятда Юсуфбек хожи энг тўғри йўлни танлайди. Зеро, фарзандларининг саодатини, оиласининг хотиржамлигини ўйлаган ота ўзгача йўл тутиши мумкин ҳам эмас эди. Бироқ шу ўринда Зайнабнинг бадгумонлигига, келажакда ундан ёмонлик чиқишига ишора борлигини пайқаш қийин эмас. Унинг «мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса», деган сўзлари бу фикримизни тасдиқлайди. Ваҳоланки, шарқона

ахлоқ талаби айбни ўзгандан эмас, ўзидан қидирмоқни тақозо этади. Қолаверса, Юсуфбек ҳожидек хурматли одам, бунинг устига турмуш ўртоғининг падари бузруквори насихатига «хўп» дейиш ўрнига эътирозларини билдириш ҳам келинлик одоби доирасидан йироқдир.

Энди Юсуфбек ҳожи ва Кумуш муносабатларига оид биргина лавҳа: «Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқиниға келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайиға тегизиб олған ўз қўлини ўпди:

– Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрған эканмиз-да, – деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуоға очди».

Бу ўринда икки нуктага эътибор қаратмоқ зарурати бор. Биринчиси – адиб «Марғилонда ҳам» деганда биргина «ҳам» юкламасини қўллаш орқали Юсуфбек ҳожининг юксак адолатига ишора қилади. «Ҳам» юкламаси замирида «Тошкентда ҳам» деган маъно яширинганини пайқаш қийин эмас. Бу билан ҳожи Кумушга иззат кўрсатиш баробарида Зайнабнинг ҳам хурматини жойига қўяди.

Иккинчи нукта: Юсуфбек ҳожи Кумушнинг пешонасига теккан ўз қўлини ўпишидир – бу чинакам миллий урф, тобора унутилиб бораётган удум. Қадим-қадимдан оталар ўз қизларига, келинларига бўлган меҳрларини шу тарзда намоён этганлар: уларнинг пешонасидан бевосита бўса олмай, ана шу пешонани силаган ўз қўлларини ўпганлар.

Умуман, «Ўткан кунлар»ни, таъбир жоиз бўлса, миллатнинг ҳусну малоҳатини ҳам, қабоҳатини ҳам ўзида ҳаққоний акс эттирган ойнага, ўзбек халқининг қадриятларию руҳиятини, орзу-идеалларию армонларини ўзида мужассам этган бадий қомусга қиёслаш мумкин. Роман миллий маънавиятимизнинг ўзига хос қирралари бетакрор бадий талқин этилгани жиҳатидан ҳам адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади.


МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ ТИМСОЛЛАРИ

Муҳаббат ва садоқат сабоғи

Толеи кулган халқмиз. Бунда заррача муболаға йўқ. Негаки, комил инсон тимсоли сифатида кўрсатса арзийдиган юзлаб, ҳатто минглаб фарзандлари бор ўзбек халқининг. Маънавият, муҳаббат, садоқат, вафо, ибo, ҳаё... Дунёнинг айрим халқларида бундай тушунчаларнинг ўзи ҳам, ҳатто уларни ифодаладиган сўзлар ҳам мавжуд эмас. Бахтимиз шундаки, булар бизда кадрият даражасига кўтарилган. Шундай фазилатлардан маҳрумлик биз ўзбекларда айб саналади. Муҳтарам Президентимиз Ислom Каримов таъбири билан айтганда, «Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган» Зулфияхоним миллатимизнинг ана шу сифатларни ўзида тўлақонли мужассам этган комил фарзанди, ардоқли ижодкоридир..

«Баҳор келди сени сўроқлаб...» Ҳар йили баҳорнинг илк куни – Зулфияхоним таваллуд айёмида бу дил изхори шеърият муҳиблари кўнглида акс садо беради... Негаки, Зулфияхоним ва баҳор эгизак тушунчалардир. Бу фақат шоира туғилган сана билангина боғлиқ эмас. Таъбир жоиз бўлса, унинг ижодини миллий шеъриятимизнинг ўзига хос баҳори, дея таърифлаш мумкин. Одамзот ва табиат мутаносиблигини шоира мана бу тарзда васф этган эди:

*На масъуд хузур бу, ёруз жаҳон бу –
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар!*



Зулфия адабиёт майдонига қонида яшаш завқи жўшиб, дилида севги тўлкини тошиб кирди. Асарлари миллий шеърятимизда бамисоли нафис баҳор чечаклари бўй кўрсатганидан дарак берди. Шеърлари адабиёт мухлисларини ўзига бутунлай ром этди; ижодий истиқболи порлоқ эканини кўрсатди. Машхур адибу шоирлар эътирофи ҳам бу фикрни тасдиқлайди: ижодкорнинг «ҳар парда – сатри ҳаётий шашмақомлардир» (Ғафур Ғулом); у «ўзбек аелининг қалбини кашф этди» (Асқад Мухтор); «ҳар янги шеърда илгарилади» (Миртемир); муҳиблар унинг «Ҳижрон кунларида» шеърӣ тўпламини, «Уни Фарҳод дер эдилар» достонини ёд олиб, бир-бирига ўқиб юрди» (Озод Шарофиддинов); «асарлари бамисоли сўнмаган олов ёхуд тирик гулдасталар каби авлодлардан авлодларга ўта олди» (Абдулла Орипов).

«Уни Фарҳод дер эдилар» (1943), «Ҳижрон кунларида» (1944), «Хулкар» (1947), «Ўйлар» (1965), «Висол» (1972), «Йиллар, йиллар...» (1975) шеърӣ тўпламлари шоиранинг ижодий камолотига далилдир. «Мушоира», «Ўғлим, сира бўлмайдӣ уруш», «Қозоғистон ўланлари», «Мен чизолмаган сурат» шеърлари шоирага шуҳрат келтирди.

Муҳаббат аталмиш бебаҳо неъмат туфайли Зулфияхоним тақдири элимизнинг атоқли шоири Ҳамид Олимжон билан туташди; ижодда у билан жўровоз бўлди, бетакрор асарлар яратди. Афсуски, «бахтли муҳаббатни куйлаган сози ўлим ханжарига тегди» – суюкли умр йўлдоши, фарзандларининг отасидан ногоҳоний айрилиқни, кўнглидаги чўнг изтиробни шоира ана шундай ифодалаган эди. Қанчалик оғир бўлмасин, бу мусибат уни синдира олмади. Дилбандлари Хулкар ва Омонга «*Сен ўс – соғлом, беқайғу эркам, Муҳаббатим бошингга соя*», дея ўзбек онасига хос улуғ фазилатни намоён этди. Шоиранинг бу давр ижодида куюқ бир дард тасвирини кузатиш мумкин. Бу дард, бу изтироб унинг назмида ёрқин образ, юрак-

ни ўртайдиган таъсирчан бадий талқин, кўнгилга яқин, халқона ифода орқали намоён бўлди:

*Кўз очгани қўймайди алам,
Бошим қўйсам қуйдирар болиш.
Юпатоғмас китоб ва қалам,
Мисраларим кўтарар нолиш.*

Тоғдай деб ўйлаган юраги қуш бошича эканини ҳис этган, енгаман деган сари тобора ортиб борувчи ғам-алам юки оғирлик қилган кезлар, табиийки, шоира ҳаётида кўп бўлган. Заифлиги ҳоким келган дамларда у ҳатто ўзини ҳам ёмон кўрди; майда ҳислар измида қолишдан сақланди. Қувончларини ҳасрат кемирган онларда сабр топа билди. Сабр одамзодга зийнат бағишлаши аён. Бироқ кўнгил деган яратик ҳар доим ҳам инсоннинг хоҳишига бўйсунармайди. Фироқ айрим ҳолларда одамнинг қаддини эгиб қўйиши, метиндек иродасига заҳа етказиши ҳам мумкин. Зулфия шеърларидаги соғинч, изтироб, нолиш оҳанглари ана шундай оғир руҳий кечинма маҳсули эканини таъкидлаш керак:

*Соғинганда излаб бир нишон,
Қабринг томон олар эдим йўл.
Келтирардинг менга бир замон,
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.*

«Кўрганмидинг кўзларимда ёш» сарлавҳали бу шеърда лирик қаҳрамон руҳияти ҳамда табиат ҳодисалари ўзгача бир уйғунликда тасвирланган. Тиниқ осмон... Суюк-лисининг азиз хоки ётган қабр бошида узоқ қолиб кетган маҳбубанинг руҳий ҳолатига мос равишда етиб келган парча булутнинг қаҳрамонимиз юрагидай қалқиши; аёл кўзида ёш кўргач, у ҳам дув-дув ёш тўкиши... Нақадар дардга йўғрилган мисралар! Фироқ дардида йиғлаётган аёл ва сел тўқаётган ёмғир – соғинч изтиробини бу қадар

таъсирчан қиёс орқали тасвирлаш учун ижодкор қалбида қандайин тўфонлар юз кўрсатмоғи тақозо этилади?! Фожиа шундаки, улар қанчалик йиғламасин, ёрдан садо йўқ, келдингми, дея бош кўтара олмайди.

Энг муҳими, шоира турмушнинг аччиқ синовларини сабру матонати билан енга олди. Қайғу ҳаёт билан эгиз туғилганини англади. Кечаги кун ортга, эртангиси олдинга бошлаши ҳақидаги теран хулоса унга далда берди. «Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда Сени куйлайман, ҳаёт!» – деган некбин тўхтама келди. Уйқусиз тунларни ижод аталмиш нур, чироқ билан ёритди. Шеърятни мулкидаги сийму зар сифатида эъзозлади. Унинг эътиқодича, «Шарқ – шоир макони, шеър – юрак қони». Шу боис нимаики ёзса, ҳаётга доир ёзди, кўнгил тубидан ёзди ва буни инсоний қалбининг тебраниши, деб билди. Орзулари – карвон, сарбони ишонч бўлди. Юртбошимиз Илом Каримов таъбири билан айтганда: «...ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланди» (И. Каримов. *Юксак маънавият – енгилмас куч*. –Т.: «Маънавият», 2013, 167-бет). Бу айни ҳақиқатдир. Мана бу мисралардаги самимият ўқувчини бунга аниқ ишонтиради:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан Сен ҳам!*

Шоира она халқига бўлган севгисини чинакам бойлик, деб билди. «Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!» дея ифтихор қилди. Дили шоир-ҳассос эл фарзанди эканини, унинг олдидаги бурчини бир дам бўлсин унутмади. «Халқ қалбидай бир гўзал шеърга Етармикан ҳеч қачон кучим», деб она элининг қадри нечоғлиқ юксак эканини изҳор этди; ана шу юксакликка интилди.

Дунёнинг қай бир мамлакатига сафар қилмасин, она юрт муҳаббатини, она халқининг истакларини шеърга солган ижодкор кейинчалик Югославия, Хитой, Япония, Шри Ланка, Миср сафарлари давомида бу мавзунини бойитди, такомилга етказди. Жумладан, «Халқимга айтар сўзларим» шеърисида шоира ифтихор билан бундай ёзган эди:

*Йўл юрдим, соғиндим, тўкилди байтим
Хорижнинг шомлари, саҳарларида.
Эзгу истакларинг жаранглаб айтдим
Осиё, Африка минбарларида.*

Натижада ўзбек шоираси юксак шеърини асарлари учун жаҳон адабий жамоатчилиги эътирофини қозонди. Жавоҳарлаъл Неру номидаги (1968) ва Нилуфар (1971) халқаро адабий мукофотларига сазовор бўлди. Болгариянинг «Кирилл ва Мефодий» ордени (1972) билан тақдирланди. Энг эътиборли жиҳати, у Ўзбекистон Халқ шоири унвонини ўзи эришган мукофотларнинг энг улуғи, деб билди.

Зулфия опанинг энг катта бахти миллатимиз мустақилликка эришган саодатли кунларни кўргани, бу улуғ неъмат нашидасидан баҳраманд бўлганидир. Зеро, «Фусункор сўзга, инсонни гўзалликлар сари чорловчи, дунёни кашф этувчи бадий сўзга бўлган муҳаббат чўғини илк бор қалбимга солган – онам эди», деган шоира юртимиз мустақилликка эришгач, янада баракали ижод қила бошлади. Мана бу эътироф ҳам буни тасдиқлайди:

*Келдинг-эй, Истиқлол, истиқбол бўлиб,
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...*

Истиқлол шарофати билан биз миллатимизнинг бошқа буюк истеъдодлари сингари ардоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам чинакамига кадрлаш имконига эга

бўлдик. Зулфия опанинг шеърияти ҳар доим навқирон ижодкорларга, айниқса, салоҳиятли ёш истеъдодларга бетакрор назмий сабоқлар бериб келаётир. Шоиранинг «Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча, Юрагимдан узган сингари...» деган сўзлари гўё ижоддаги издошларига қаратилгандай... Шоира номида давлат мукофоти таъсис этилиб, ижодда унинг анъаналарини муносиб давом эттираётган юзлаб қизларимиз ана шу мукофотга сазовор бўлаётгани ана шу издошлик самарасидир.

Бир шеърида «Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман», деган Зулфия опа шеъриятни қисмат деб билган, қалами билан миллий адабиёт, маънавият равнақига муносиб хизмат қила олган ижодкор эди. Шоиранинг мана бу сўзларига эътибор беринг:

*Бу назм боғига киролмас хазон,
Бизни маҳв этолмас завол лашкари,
Мен кетсам мунгаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар... бир боғлар бўлади ҳали...*

Зулфия опанинг ўзи ҳам шеърлари, дostonлари билан улкан бир назм боғини барпо этиб кетди. Дарҳақиқат, токи миллат ва унинг шеърсевар фарзандлари бор экан, бу боғ хазон билмагай, унга завол лашкари дахл қила олмагай. Миллий шеъриятимиз, адабиётимиз боғи, сўзсиз, Зулфия опа орзу қилган юксак мақомга кўтарилажакдир.

Давлатимиз раҳбари Ислom Каримовнинг «Ўзбекистон Халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори халқимизнинг, зиёлиларимизнинг айна кўнглидаги иш бўлди. Зеро, Зулфия-хоним сабру матонат рамзи бўлган ҳаёти билан ҳануз муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бериб келаётир. Маънавий жасорат тимсоли бўлган пок эътиқоди, ўлмас асарлари билан авлодлар қалбида мудом барҳаётдир.

МЕЗОН

Янги замон ўзбек адабиёти, адабиётшунослиги тарихида Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг тутган ўрни алоҳида. Ўнлаб китоблар, юзлаб илмий, илмий-публицистик мақолалар, қирқдан ортиқ таржима асарлар бу улуғ олим меросининг нечоғлиқ салмоқли эканидан далолат беради. Энг муҳими, бу асарлар, нафақат адабиётимиз ва адабиётшунослигимиз, балки миллий маънавиятимиз ривожига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Озод Шарафиддинов наинки машҳур олим, моҳир педагог ва салоҳиятли таржимон, шунинг баробарида мустаҳкам эътиқодли ва қатъиятли шахс сифатида ҳам жуда кўп фазилатлар соҳиби эди. Ўтган асрнинг сўнги йилларида қанд касаллиги боис икки оёғидан ажралган, бунинг устига кўриш қуввати заифлашиб қолган устоз олим ўзининг метин ирода соҳиби эканини намоён этди. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ана шундай оғир шароитда ҳам бу инсон «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири сифатида ўз бурчига, эътиқодига содиқ қолиб, лупа ёрдамида журнал материалларини таҳрир қилиб бориш билан бирга, қирқдан ортиқ йирик роман ва қиссаларни ўзбек тилига таржима қилгани, албатта, ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солиши табиий. Озод ака бу билан ҳам кифояланмасдан, республикадаги матбуот нашрларида, радио-телевидениеда, турли тадбир ва анжуманларда миллий маънавиятимизнинг ўзига хос жиҳатлари, буюк аждодларимизнинг

бебаҳо мероси, мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш ҳақида кўплаб чиқишлар қилди. Ўнга яқин салмоқли китоблар ёзди.

Ҳаётининг аксарият қисми шифокорлар назоратида, оғир, тинкани қуритадиган муолажалар остида ўтадиган одамнинг шундай улкан жасорат кўрсатиб яшагани, эҳтимол, кимгадир афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бу кишининг соғлиғи ва кайфиятидан доимо хабардор бўлиб, бу йўлда қўлидан келган ёрдамни аямаган барча инсонлар бунинг афсона эмас, ҳақиқат эканини, бизнинг орамизда бутун борлиғини маънавият ва маърифатга бағишлаган ана шундай мард ва жасур бир шахс яшаб ўтганини яхши билади» (И. Каримов. *Юксак маънавият – энгилмас куч.* –Т.: «Маънавият», 2013, 168–169-бетлар).

Муҳтарам Юртбошимизнинг олимни «Мен билган ва ҳурмат қиладиган маънавий жасорат соҳибларидан», – дея таърифлагани, давлатимизнинг олий мукофоти – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлгани устознинг мамлакатимиз маънавий юксалиши йўлидаги буюк хизматлари муносиб даражада эътироф этилгани исботидир.

Профессор Озод Шарафиддиновнинг илмий фаолияти кенг қиррали. Олим миллий уйғониш даври ва замонавий адабиётимиз бўйича эътиборга молик тадқиқотлар яратди. Адабий-танқидий мақолалар, эсселар, адабий портретлар, очерклар ёздилар. Биргина шеършунослик борасидаги хизматларининг ўзиёқ устоз олимнинг шеърятни қанчалар нозик тушунишидан, фикрлаш миқёси нечоғлиқ кенг, таҳлил этиш салоҳияти нақадар кучли эканидан далолат беради.

Озод Шарафиддинов шеърятга ўзига хос мезонлар асосида ёндашади. **Бу мезонларнинг биринчиси** ва олим асарларининг асл моҳиятини акс эттирадигани – **ҳақиқатпарастлик**. Ана шу мезон уни адабиётдаги,

хусусан, шеъриятдаги ўртамиёначиликни фoш этишга ундади. Буни профессор Бегали Қосимов қуйидагича баҳолаган эди: «Табиат унга (*Озод Шарафиддиновга* – Н.Ж.) адабиётни нозик ҳис қилиш ва муносиб баҳолаш салоҳиятини ҳамда уни рўй-рост айтиш жасоратини берди. Унинг ижодда ўртамиёналикка, «кўлмак давралар»га (А. Орипов ибораси) тоқати йўқ эди... Лекин ҳамиша ижоди ва фаолияти «қиличнинг дами»да кечди. Чунки у ўртамиёна яшай олмасди, ўртамиёна сева олмасди. Айримлардек кўнглидагини яшира олмасди. Дилидаги тилида эди». (*Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида*. –Т.: «Ўзбекистон», 2007, 52–53-бетлар)

Олимнинг илк асарлариданок шеъриятимизнинг юксак чўққиларга кўтарилишига халақит бераётган камчиликларга эътибор қаратиши сабабини ҳам ана шу ҳақиқатпарастлик мезони билан изоҳлаш мумкин. Унинг «...баъзан заиф шеърларнинг остида атоқли, хизмат кўрсатган, ҳатто йирик шоирнинг имзоси туриши»ни таассуф билан таъкидлаши боиси ҳам шунда. Номдор муаллифлар томонидан ёзилган, ўша замон мафқурасига ҳар жиҳатдан мос, лекин бадиият талабларига жавоб бера олмайдиган битиклар ҳақида «Шеърми шу асар? Поэзия борми унда?», деган ҳақли саволларни фақат Озод Шарафиддинов сингари фаҳмида мезони бор олимгина ўртага ташлаши мумкин эди ўша замонда.

«Ҳар қандай шеър поэзия бўлавермайди, – деб ёзади олим. – Агар поэзиянинг моҳияти вазн ва тuroқлардан, кофия ва аллитерациялардангина иборат бўлганда, маълум бир маънони маълум бир оҳангда ифодалашдан нарига ўтмаганда, дунёда шоирликдан осонроқ иш бўлмас эди. Агар шундай бўлса, ўртача саводи бор, эси бутун ҳар қандай одамни бир ҳафта ўқитиб, бинойидек шоир қилиш мумкин бўларди. Унга ҳатто чиройли ўхшатишлар, аниқ сифатлашлар, оригинал метофоралар топиш йўлини ҳам ўргатиб қўйса бўларди. Ҳолбуки, бундай эмас.

Поэзия газетанинг информация жанридан фарқ қилади. Шоирлик – инсон фаолиятининг энг қийин, мураккаб томонларидан биридир. Шоир деган одам ўткир фикр юритиш қобилиятига, шоирлик талантига эга бўлиши лозим. Талант бўлмаса, ҳар қанча уринган билан чинакам поэзия намуналарини яратиб бўлмайди». (*О. Шарафиддинов. Замон, қалб, поэзия. –Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1962, 14-бет. Бундан кейин ушбу китобдан олинган иқтибосларнинг фақат саҳифаси қавс ичида келтирилади*)

Орадан қарийб ярим аср муддат ўтган бўлса ҳам, устоз шеършуноснинг бу фикрлари аҳамиятини заррача ҳам йўқотган эмас. Ҳар сафар бу сўзларни ўқиганимда бир ҳаваскор қаламкаш тенгдошимнинг ижодкорлик даъвоси эсимга тушади. Камина унга: «Сизнинг қораламаларингизда адабиётга дахлдорлик йўқ. Бу ёзганларингиз нари борса хабар мақолалар ёзадиган журналистнинг машқлари» десам, «Йўқ, мен машхур ижодкор бўламан», дея баҳслашарди. Орадан йиллар ўтиб, ўша танишим китоб чиқарди. Менга олиб келиб: «Сендан шоир чиқмайди», дегандингиз. Мана китобим нашр этилди. Мен шоир бўлдим», деб иддао қилди. «Хафа бўлмангу, эҳтимол, яна ўнлаб китоблар чиқарарсиз, аммо бу қораламаларингизда шоирлик истеъдодининг учқуни ҳам кўринмаяпти», дегандим ўшанда. Ҳозир ўша тенгдошим ўз қобилиятига ҳар жиҳатдан муносиб ишини топди – қойилмақом тадбиркорга айланди... Бу воқеа устоз Озод Шарафиддиновнинг юкоридаги фикрлари ҳаётда ўз тасдиғини минглаб марта топганига биргина далил, холос.

Ҳақиқатпарастлик – мунаққид учун муҳим фазилат. Агар адабий танқид билан шуғулланадиган олим ҳақиқатпараст бўлмаса, бадиий ижоддаги халтурага, шеърятдаги назмбозликка бефарқ қараса, ҳеч қачон адабиётнинг равнақига хизмат қила олмайди. Аксинча, унинг

заволига сабабчи бўлиши мумкин. Устоз шеършуноснинг «Замон, қалб, поэзия» китобидан ўрин олган «Лирика ҳақида мулоҳазалар» мақоласида ҳам ҳақиқатпарастлик фазилати яққол кўринади. Лирикада индивидуалликка, ўзига хосликка интилиш зарурлигини таъкидлаган олим «Ҳар бир шеър – у ҳаётимизнинг қайси томонига бағишланган бўлмасин, турмушимизнинг қайси соҳасини акс эттирмасин – шоирнинг кашфиёти бўлиши лозим», деб ҳисоблайди.

Ҳақиқатпараст шеършунос сифатида устоз олим ўтган асрнинг эллигинчи йиллари шеъриятига хос икки камчиликни алоҳида ажратиб кўрсатган эди. Булардан биринчиси – жонли инсон туйғуларини, ҳис-ҳаяжонларини, фикрларини ифодалашдаги примитивлик, иккинчиси эса – замондошимизнинг маънавий дунёсини бутун бойлиги ва мураккаблиги билан ифодалай олмаслик. Бу камчиликларнинг бугун яратилаётган айрим шеърый асарларда ҳам учрашини устоз шеършуноснинг назм тараққиётига хос қонуниятларни нозик илғаши, нуктадонлиги билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, шўролар замонида шеърят олдига бахт ва шодликни куйлаш вазифаси қўйилган эди. Ғам-андухни, армон ва изтиробни тасвирлаш ёхуд шеърят олдига шундай талабларни қўйиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши муқаррар эди. Ўша мураккаб шароитда образ яратишда теран ўй, эҳтиросли завқ, енгил ҳазил қатори ҳасрат ва мунгдан ҳам фойдаланишга даъват этиш адабиётшуноздан чинакам жасоратни талаб қиларди. Қаловини топиб, ана шундай талабни қўя олгани ҳам устоз олим учун ҳақиқат ҳар нарсадан устун бўлганини кўрсатади.

Шеършуносликдаги Озод Шарафиддиновга хос **иккинчи мезон – юксак профессионал билимга асосланган талабчанликдир.**

Озод Шарафиддинов шеър чинакам юксак поэзия даражасига кўтарилиши учун индивидуал услуб ва стил-

ларнинг ранг-баранглиги, бойлигига эришмоқ зарур, деб ҳисоблайди. Фалсафий мулоҳазаларни ҳам, чуқур ўйларни ҳам, драматизм билан суғорилган кечинмаларни ҳам ифодалашга, йирик масшабли, қабарик образлар яратишга имкон берадиган услублар кераклигини таъкидлайди. Шеърятнинг ҳам, умуман, адабиётнинг ҳам асосий услуби ягона, у ҳам бўлса социалистик реализм, деб эълон қилинган бир замонда бундай талабни қўйиш осон бўлмагани аён. Бундай талабни фақат Озод Шарифиддинов сингари фаҳмида мезони бор олимгина ўртага қўйиши мумкин эди ўша замонда.

Шеършунос олим ўтган асрнинг эллигинчи йиллари лирикаси ҳақида мулоҳаза юритар экан, унинг тараққиётига тўсиқ бўлаётган қуйидаги беш йирик камчиликни қайд этади: 1) жимжимадор, баланпарвоз стиль; 2) сохта стиль; 3) тасвирнинг ғоят рангсизлиги, адабий приёмларнинг камбағаллиги, такрорнинг устунлиги; 4) тасвир воситаларининг ночорлиги; 6) шеърий техника масалаларининг диққат марказидан четда қолаётгани. Бу сингари камчиликлар шеърятимизнинг бугунги вакиллари ижодида ҳам учраши шеършуносликда бундай талабчанлик мудом зарурлигини кўрсатади.

Олим шеършунослигига хос **учинчи мезон – изланувчанлик**. У шеърятда изланиш руҳи ҳукмрон бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Шеършуноснинг фикрича: «Санъат, поэзия ҳамиша санъаткорнинг воқеликка янгича муносабатидан, янгича қарашидан, янгича фикрлашидан бошланади» (15). Муттасил изланиш, ҳар бир шеърда бирон янгилек кашф қилишга интилиш руҳи Миртемир ижодида кучли эканини таъкидлаган олим ёш истеъдодларни ундан ўрганишга чақиради. Миллий шеърятимиздаги бунинг акси бўлган, изланиш ва кашфиёт руҳидан маҳрум, баёнчиликка асосланган асарларни кескин танқид қилади. Шеърят ҳаётий воқеликни шунчаки қайд қилувчи эмас, ундаги ҳеч ким пайқаманган, ҳали

ўзгалар сезишга улгурмаган поэтик гўзалликларни инкишоф этиш йўлидан бориши зарурлигини уқтиради.

Мунаққид насихатгўйлик, дидактизмга берилиш кўпгина шеърларнинг ҳуснига доғ бўлиб тушаётганини, куруқ баёнчиликка, тавсифга интилиш, поэтик кашфиётлар ўрнига ҳаётий фактларни қайд қилиш билан чекланиш ҳоллари кўплаб учраётганини аниқ мисоллар билан танқид қилади. Замондош шоирлар шеърлари таҳлили асосида ижод аҳлини поэзиянинг умумий савиясига путур етказадиган, уни қанотдан маҳрум қилиб, риторика ва декларацияга айлантирадиган иллат – иллюстрациячиликдан, яъни юзаки тасвирийликдан сақланиш зарурлиги ҳақида огоҳлантиради.

Поэзиянинг интеллектуаллиги – ижоддаги изланувчанлик самарасини белгиловчи бош омил. Бироқ бу тушунча ҳар доим ҳам адабиётшунослар, шоиру адиблар томонидан турлича талқин этилган, унга муносабат ҳар хил бўлган. Озод Шарафиддиновнинг бу борадаги нуқтаи назари ҳам ўзига хос. Жумладан, олим бундай ёзади: «Баъзилар поэзиянинг интеллектуаллиги деганда, ғоят мураккаб ташбеҳларни, бениҳоя мавҳум фикрларни тушунишади. Менимча, бу тўғри эмас. Чинакам интеллектуаллик ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларнинг чуқурлиги ва оригиналлигида кўринади»(28). Бу мавзуда баҳс юритган олим лирикада интеллектуаллик чуқур бўлиши поэзияда фалсафий лириканинг кучайишига, ўткир умумлашмаларнинг кўпайишига олиб келишини алоҳида таъкидлайди.

Озод Шарафиддинов шеършунослигига хос **тўртинчи мезон – ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий камолотига қанот бағишлашдир.** «Замон, қалб, поэзия» китобидаёқ олим шеъриятимиз ривожда ёшларнинг ҳиссаси катта бўлаётганидан, поэзиянинг эртасига ишонч ва умид билан қараш мумкинлигидан беҳад қувонган эди. Устоз шеършуноснинг Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари XX аср ўзбек шеърияти-

нинг забардаст вакиллари, адабиётимиз қаҳрамонларини илк шеърлариданоқ қўллаб-қувватлагани, уларнинг ижодий камолотига қанот бағишлагани бунинг далилидир.

Умуман, Озод Шарафиддиновнинг шеърят ҳақи-даги тадқиқотлари шеършунос қандай бўлиши кераклиги, поэзияни баҳолашда қай бир мезонларга таяниш зарурлиги, шеърятнинг миллий маънавиятимиз ривожигаги ўрни ҳақида теран хулосалар чиқариш имконини беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, худди ана шу фазилатлари боис олимнинг бошқа асарлари қатори шеърят таҳлилига оид илмий ишлари ҳам мудом миллий адабиётимиз ва маънавиятимиз равнақиға, шеършуносларнинг янги навқирон ва салоҳиятли авлодларини тарбиялаб етиштириш ишига муносиб хизмат қилаверади. Маънавий жасорат соҳиби сифатида юксак эътироф қозонган устоз олим илмий меросини кенг қўламда тадқиқ этиш адабиётшунослигимиз олдида турган галдаги муҳим вазифалардандир.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	3
Адабиёт – маънавият кўзгуси	5
Мукамал жамият орзуси	10
Маънавий жасорат тимсоллари	17
Мезон.....	23

НУРБОЙ ЖАББОРОВ
АДАБИЁТ ВА МИЛЛИЙ
МАЪНАВИЯТ

Тошкент «Маънавият» 2015

Муҳаррир *Б. Умаров*
Мусаввир *Ш. Соҳибов*
Мусаҳҳих *О. Пардаев*
Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АИ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й. да
рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$, Таймс гарнитураси. Офсет босма
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.
Буюртма № 15-57. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 20–15.